

**НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
PhD.03/04.06.2020.Fil.76.04 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ҚЎҚОН ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ**

**ИСАКОВА ЮЛДУЗХОН ЗОКИРОВНА**

**ЎЗБЕК ТИЛИНИНГ ЭМОЦИОНАЛ СЎЗЛАРИ ВА УНИНГ  
БАДИИЙ-ЭСТЕТИК ФУНКЦИЯЛАРИ**

**10.00.01 – Ўзбек тили**

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Наманган – 2021**

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)  
по филологическим наукам**

**Contents of Dissertation Abstract of Doctor of Philosophy (PhD)  
on Philological Sciences**

**Исакова Юлдузхон Зокировна**

Ўзбек тилининг эмоционал сўзлари ва унинг бадиий-эстетик  
функциялари..... 3

**Исакова Юлдузхон Закировна**

Эмоциональные слова узбекского языка и их художественно-  
эстетические функции..... 25

**Isakova Yulduzhon Zokirovna**

Emotional words of Uzbek language and its fiction-easthetic functions ..... 47

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works ..... 51

**НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
PhD.03/04.06.2020.Fil.76.04 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ҚЎҚОН ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ**

**ИСАКОВА ЮЛДУЗХОН ЗОКИРОВНА**

**ЎЗБЕК ТИЛИНИНГ ЭМОЦИОНАЛ СЎЗЛАРИ ВА УНИНГ  
БАДИИЙ-ЭСТЕТИК ФУНКЦИЯЛАРИ**

**10.00.01 – Ўзбек тили**

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Наманган – 2021**

Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.2.PhD/Fil 1708 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Кўкон давлат педагогика институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифаси ([www.namdu.uz](http://www.namdu.uz)) ҳамда «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Набиева Дилора Абдухамидовна**  
филология фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Искандарова Шарифахон Мадалиевна**  
филология фанлари доктори, профессор

**Одилов Ёркинжон Раҳмоналиевич**  
филология фанлари доктори, профессор

**Етакчи ташкилот:**

**Жиззах давлат педагогика институти**

Диссертация химояси Наманган давлат университети ҳузуридаги PhD.03/04.06.2020. Fil.76.04 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «26» 10 соат 14<sup>30</sup> даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 160119, Наманган шаҳри, Уйчи кўчаси 316-уй, Тел.: (99869)227-07-61; факс: (998)69-227-01-44; e-mail: [info@namdu.uz](mailto:info@namdu.uz)).

Диссертация билан Наманган давлат университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (095 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 160119, Наманган шаҳри, Уйчи кўчаси, 316- уй, Тел.: (99869) 227-29-81;

Диссертация автореферати 2021 йил «15» 10 куни тарқатилди.  
(2021 йил «14» 10 даги 4- рақамли реестр баённомаси).



**Н.М. Улуков**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
раиси, филология фанлари доктори, профессор

**И.Ў. Дарвишов**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
кошиби, филология фанлари бўйича фалсафа  
доктори (PhD), доцент

**Х.А. Жўраев**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
кошидаги Илмий семинар раиси филология  
фанлари доктори, профессор

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳон тилшунослигида тилнинг ички структур бирликларининг, жумладан, сўзнинг фонетик-фонологик, лексик-семантик, морфемик, деривацион, морфологик, синтактик ва услубий хусусиятларини, лексема ва сўз масаласини илмий-назарий ҳамда амалий жиҳатдан тадқиқ этиш доимо эътиборда бўлиб келмоқда. Хорижий тилшуносликда, жумладан, рус тилшунослигида тилнинг марказий бирлиги – сўз талқини борасида махсус назариялар, илмий мактаблар юзага келган. Ҳозирги кунга келиб, сўзнинг тил ва нутқ шакллари ҳамда услубларидаги қўлланиш хусусиятлари ҳамда вазифаларини ўрганиш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Дунё тилшунослигида сўз тушунчаси доимо марказий ўринда турган. Сўз, хусусан, унинг тил системасидаги мавқеи, ўрни, вазифалари, шаклий ва мазмуний структураси, валентлик имкониятлари, когнитив-прагматик хусусиятлари кўплаб тадқиқотлар учун асос бўлган. Нутқни тингловчига тўлақонли ва жонли етказиш учун тилда мавжуд бўлган эмоционал сўзлардан фойдаланилади ва бу орқали борликдаги аниқ воқеа-ходисаларнинг тингловчи онгига ҳақиқий, аниқ етиб боришига эришилади. Демак, эмоционал сўзларнинг нутқдаги аҳамияти жуда катта ҳисобланади. Шунинг учун бугунги кунда мулоқотнинг жонли, таъсирли, жозибадор бўлишида ўзига хос ўринга эга бўлган эмоционал сўзлар ва уларнинг коммуникатив-прагматик, функционал-семантик ҳамда услубий хусусиятларини тилшуносликнинг замонавий аспектларида тадқиқ этиш кун тартибидаги зарур вазифалардан бирига айланди.

Ўзбек тилшунослигида тилнинг морфологик сатҳ бирлиги сўз тадқиқи борасида муайян ютуқ ва натижаларга эришилган бўлса-да, унинг барча антропоцентрик, парадигматик, функционал-семантик, когнитив, коммуникатив, услубий жиҳатлари монографик ўрганилмаган. “Бугунги глобаллашув даврида ҳар бир халқ, ҳар қайси мустақил давлат ўз миллий манфаатларини таъминлаш, бу борада, аввало, ўз маданиятини, азалий қадриятларини, она тилини асраб-авайлаш ва ривожлантириш масаласига устувор аҳамият қаратиши табиийдир”<sup>1</sup>. Шу жиҳатдан сўзнинг, жумладан, унинг эмоционаллик, экспрессивлик, услубий бўёқ ифодаловчи гуруҳини замонавий системавий-структур, антропоцентрик тамойилларда ўрганиш ва бадиий-эстетик қирраларини очиб бериш ўзбек тилшунослигининг долзарб вазифалари сирасига киради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 21 октябрдаги ПФ-5850-сон “Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш, чора-тадбирлари тўғрисида”, 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”, 2020 йил 20 октябрдаги ПФ-6084-сон “Мамлакатимизда ўзбек тилини янада ривожлантириш ва тил сиёсатини

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 21 октябрдаги ПФ-5850-сон “Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони // [www.lex.uz](http://www.lex.uz).

такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 12 декабрдаги 984-сон “Давлат тилини ривожлантириш департаменти тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида”ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур тадқиқот иши маълум даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши устувор йўналишларига боғлиқлиги.** Тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Тадқиқот мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги.** Диссертация Кўкон давлат педагогика институти ўзбек тилшунослиги кафедрасининг 2017-2021 йилларга мўлжалланган “Ўзбек тилшунослигининг долзарб муаммолари” мавзусидаги истиқболли илмий-тадқиқот режаси доирасида бажарилди.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Дунё тилшунослигида К.С.Льюис, Д.Болингер, В.Вундт, Ф.Соссюр, В.Ф.Гегель, Э.Бергенларнинг асарлари<sup>2</sup>да эмоционал-экспрессив сўзлар ва уларнинг маъно таракқиёти ўрганилган. С.Г.Любова, Е.Ю.Мягкова В.И.Шаховский, С.К.Абакумов, С.С.Плямоватая, Е.М.Галкина-Федорук, Е.Ф.Патришчева, В.В.Виноградов каби рус тилшуносларининг тадқиқотларида<sup>3</sup> эмоционал сўзлар кўпроқ психологик нуқтаи назардан тадқиқ этилган.

Ўзбек тилшунослигида Я.Пинхасов эмоционал сўзларни ҳис-ҳаяжонни билдирувчи махсус сўзлар ва сўзловчининг предмет, воқеа-ҳодисаларга ижобий ёки салбий муносабатини ифодаловчи сўзлар<sup>4</sup>га бўлиб тадқиқ қилган. Ф.Камолов, С.Усмонов, Х.Дониёров, Ш.Раҳматуллаев, М.Миртожиев, Ҳ.Жамолхонов, Ғ.Қамбаров, Г.Қабулжонова<sup>5</sup>ларнинг илмий тадқиқотларида бу муаммога маълум даражада эътибор қаратилган.

<sup>2</sup> Lewis C.S. *Studies in Words*. – Cambridge, 1990. – P. 23.; Bolinger D. *Aspects of Language*. – N.Y., 1981. – P. 11.; Вундт В. *Метафизика: сборник статей: [12+]* / В. Вундт. – Москва; Берлин: Директ-Медиа, 2021. – 81 с.; Соссюр Ф. *Курс общей лингвистики / переводчик А. М. Сухотин; под редакцией Р. О. Шор*. – Москва: Юрайт, 2019. – 303 с.; Гегель. *Система науки. Феноменология духа / Соч. Т. IV*. – М., 1959. – С. 65.; Bergen E. *Comfortable Words*. – N.Y., 1962. – P.19.

<sup>3</sup> Любова С.Г. *Лексика эмоциональной привязанности в современном русском языке: Дисс. канд. фил. наук*. – Воронеж, 2015. – 147с.; Мягкова Е.Ю. *Эмоционально-чувственный компонент значения слова: вопросы теории: Дис... д-ра филол. наук*. – Москва, 2001. – 206 с., Шаховский В.И. *Категоризация эмоций в лексико-семантической системе языка*. – Воронеж, 1987. – 190 с.; *Лингвистическая теория эмоций: монография*. – Москва: Гнозис, 2008. – 416 с.; Абакумов С.И. *Современный русский литературный язык*. – Москва: Наука, 1942. – С. 31.; Плямоватая С.С. *О грамматической природе и классификации имен существительных с уменьшительными экспрессивными суффиксами в современном русском языке// Русский язык в школе*, 1955. – №6. – С.9.; Галкина-Федорук. Е.М. *Об экспрессивности и эмоциональности в языке// Сб. статей по языковедению изд. МГУ*. – Москва, 1958.; Патришчева Е.Ф. *Об эмоциональной сокращенности слов в современном русском языке, в “Развитие лексики современного русского языка”*. – Москва, 1965. – С.4041.; Виноградов В.В. *О языке художественной литературы*. – Москва, 1959. – С.181.

<sup>4</sup> Пинхасов. *Ҳозирги ўзбек адабий тили*. – Тошкент: Ўқитувчи, 1969. – Б. 44.

<sup>5</sup> *Ҳозирги ўзбек адабий тили*. Ғ.Абдурахмонов умумий таҳрири остида. – Тошкент: Фан, 1966. – 392 б.; Мирзаев М., Усмонов С., Расулов И. *Ўзбек тили*. – Тошкент: Ўқитувчи, 1978. – 256 б.; Шоабдурахмонов Ш.,

И.Кўчқортоев сўзларнинг боғланиши асосида эмоционал-экспрессивлик ҳосил бўлишини<sup>6</sup>, С.Ғойибов нейтрал ва эмоционал-экспрессив сўзлар ҳамда уларнинг ҳосил бўлиш усуллари<sup>7</sup>, Р.Кўнғуров, А.Абдуллаевлар эмоционал-экспрессивлик ифодаланиш усуллари<sup>8</sup> монографик тадқиқ этганлар, бироқ ўзбек тилидаги эмоционал сўзлар ва улар кўлами, ижобий ҳамда салбий маъно оттенкалари, бу маъноларнинг бир-бирига алмашинуви, қўлланиши, нейтрал – бетараф лексикадан фарқли жихатлари, улар ўртасидаги ўзаро ўтишлар монографик тадқиқ этилмаган.

**Тадқиқотнинг мақсади** ўзбек тилидаги эмоционал сўзлар парадигмасини белгилаш ва уларнинг тил системасидаги ўрни ҳамда бадиий-эстетик функциясини очиб беришдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

тил далилларига аксиологик ёндашган ҳолда ўзбек тилидаги нейтрал ва эмоционал сўзлар парадигмасини аниқлаш ва парадигма аъзолари ўртасидаги муносабатларни кўрсатиш;

ўзбек тили луғат системасидаги сўзларни эмоционалликка эга ёки эга эмаслик белгисига кўра таснифлаш;

соф эмоционал сўзларнинг вазифалари, ижобий ва салбий маънолари, кўп маънолилиқ хусусиятларини таҳлиллар орқали очиб бериш;

эмоционал ва нейтрал сўзларни сўз туркумлари доирасида таҳлил қилиш;

эмоционал сўзларнинг бадиий-эстетик функциясини далиллар асосида очиб бериш ҳамда уларнинг тилнинг эмотив функциясини воқелантирувчи асосий восита эканини исботлаш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида ўзбек тилининг эмоционал сўзлари танланган.

**Тадқиқотнинг предмети**ни ўзбек тилининг эмоционал сўзлари ва уларнинг лексик-семантик, морфологик, услубий хусусиятлари ҳамда бадиий-эстетик вазифаларига доир масалалар ташкил этади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқотда анализ, синтез, қиёслаш, компонент таҳлил, дистрибуция, зидлаш методларидан фойдаланилди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

ўзбек тили луғат таркибидаги сўзлар эмоционаллик белгисига кўра таснифланган, аксиологик ёндашув асосида нейтрал ва эмоционал сўзлар

---

Аскарлова М., Ҳожиёв А., Расулов И., Донийёров Х. Ҳозирги ўзбек адабий тили. I қисм. – Тошкент: Ўқитувчи, 1980. – 448 б.; Турсунов У., Мухторов Ж., Раҳматуллаев Ш. Ҳозирги ўзбек адабий тили. – Тошкент: Ўзбекистон, 1992. – 400 б.; Миртожиев М. Ўзбек тили семасиологияси. – Тошкент: Мумтоз сўз, 2010. – 288 б.; Жамолхонов Х. Ҳозирги ўзбек адабий тили. – Тошкент: Талқин, 2005. – 260 б.; Қамбаров Ғ. Баҳо муносабати ва унинг ўзбек тилида ифодаланиши: Филол. фан. номз. ... дисс. автореф. – Тошкент, 2008. – 24 б.; Кабулжонова Г. Метафоранинг системавий лингвистик тадқиқи: Филол. фан. номз. ... дисс. автореф. – Тошкент, 2000. – 132 б.

<sup>6</sup> Кўчқортоев И. Сўз маъноси ва унинг валентлиги. – Тошкент: Фан, 1977. – 168 б.

<sup>7</sup> Ғойибов С. Ўзбек тили лексикасининг стилистик қатламлари. Ўзбек тили лексикологияси. – Тошкент: Фан, 1981. – 315 б.

<sup>8</sup> Кўнғуров Р. Субъектив баҳо формаларининг семантик ва стилистик хусусиятлари. – Тошкент: Фан, 1980. – 166 б.; Абдуллаев А. Ўзбек тилида экспрессивликнинг ифодаланиши. – Тошкент: Фан, 1983. – 90 б.; Абдуллаев А. Ўзбек тилида экспрессивлик ифодаланишнинг синтактик усули. – Тошкент: Фан, 1987. – 87 б.

фарқланган ҳамда улардаги маъновий жиҳатдан бирининг иккинчисига ўтиши ҳамда бу жиҳатдан зидланиши далиллар билан асосланган;

эмоционал сўзлар парадигмаси аниқланиб, бир парадигма аъзоларининг ижобий ва салбий эмоционаллик ифодалашига кўра фарқланиш белгилари, соф эмоционал сўзларнинг вазифалари, ижобий ва салбий маъно оттенкалари, кўп маънолилиқ хусусиятлари далиллар асосида очиб берилган;

эмоционал сўзларнинг морфологик жиҳатлари от, сифат ва феъл сўз туркумларига ажратилиб, уларни ижобий ёки салбий белги, ҳаракат ва ҳолат тезлигини кучайтириш семаларини ифодалаш билан тингловчи (китобхон)га ҳиссий таъсир этиш билан боғлиқ бадиий-эстетик вазифалари ёритилган;

эмоционал сўзларнинг нейтрал лексикадан луғавий маъно англатиш, услубий бўёқдорлик ифодалашга кўра фарқланиши, нутқий фаоллиги аниқланган, уларнинг бадиий матнда тутган ўрни: бадиийлик, образлилиқ ифодалаш, бадиий тимсолларнинг ҳис-туйғуси, руҳияти, мушоҳадаси, ижобий ёки салбий қарашларини тўлақонли тасвирлашга, бадиий портретини яратишга хизмат қилиши очиб берилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

эмоционал-экспрессив сўзлар бўйича тўпланган материаллар, тадқиқот натижасида чиқарилган хулоса ва умумлашмалар ўзбек тилшунослиги, хусусан, лексикология, морфология ва услубият соҳалари учун зарурий илмий маълумот бериши, яратиладиган дарслик ва ўқув қўлланмаларининг мукаммаллашувига хизмат қилиши асосланган;

эмоционал сўзларнинг изоҳли луғатига манба бўлиши исботланган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончилиги** муаммонинг аниқ қўйилганлиги, хулоса ва натижаларда аниқ илмий манбаларга таянилгани, чиқарилган илмий хулосаларнинг тавсифий, структур, қиёсий, статистик таҳлиллар билан асослангани, эмоционал сўзларни таҳлил қилишда аниқ амалий манбалардан фойдаланилгани билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундаки, унинг материаллари ўзбек тилшунослигини эмоционал сўзлар парадигмаси, унинг лексик-семантик, парадигматик, функционал, услубий, деривацион, бадиий-эстетик хусусиятлари, нейтрал сўзларнинг айрим ҳолларда эмоционаллик ифодалаш ҳақидаги илмий қарашлар билан бойитишда муҳим назарий манба бўлиб хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, унинг материаллари, натижа ва хулосалари ўзбек тили лексикологияси, морфологияси, услубияти бўйича дарслик ва қўлланмалар яратишда, изоҳли ва таржима луғатларида сўзларнинг эмоционал маъноларини изоҳлашда манба ҳамда материал вазифасини бажариши билан ифодаланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Ўзбек тилининг эмоционал сўзлари тадқиқи бўйича олинган илмий натижалари асосида:

эмоционал сўзларнинг нейтрал лексикадан услубий бўёқдорлиги ёки бўёксизлиги, луғавий маъно англатиш, англатмаслигига кўра фарқли; нутқий фаоллиги, гапларнинг мазмунини аниқ очиб берувчи ўхшаш жиҳатлари



аниқланган, уларнинг бадиий матнда тутган ўрни ҳамда асар моҳиятини тўла очиб беришдаги тимсолларнинг ҳис-гуйғуси, руҳияти, психологик мушоҳадаси, ижобий ёки салбий қарашлари, портретини очиб беришдаги ўрнини далиллашга доир хулосалардан Ўзбекистон Республикаси инновацион ривожланиш вазирлиги томонидан эълон қилинган ва Андижон давлат университетида 2017-2021 йилларда бажарилган ОТ-Ф1-18 рақамли “Оммавий лисоний маданиятни шакллантириш методлари ва методологиясини ишлаб чиқиш” мавзусидаги фундаментал лойиҳани амалга оширишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси инновацион ривожланиш вазирлигининг 2021 йил 30 августдаги 02-15/4888-сонли маълумотномаси). Натижада лойиҳа лисоний маданиятни шакллантириш методлари самарадорлигини оширишга, мавжуд дастурлар ва қўлланмаларнинг такомиллашувига хизмат қилган;

эмоционал сўзларнинг гендер табиати ҳамда унинг образ яратишдаги роли, сўзларнинг эмоционаллик белгисига кўра зиддиятли муносабатлари очиб берилиши, шунингдек, сўз туркумлари бўйича эмоционал бирликлар гуруҳларга ажратилиб, мисоллар ёрдамида далилланиши, эмоционал сўзларнинг нейтрал лексикадан асосий фарқи, эмоционал бирликларнинг бадиий адабиётда тутган ўрни ва асар моҳиятини очиб беришдаги ролини аниқлашга доир хулосаларидан Тошкент давлат педагогика университетида 2015-2017 йилларда бажарилган А-1-197 рақамли “Инглиз тили, немис ва ўзбек тилларини ўрганиш бўйича ўқув-услубий модуллардан фойдаланиш ва уларни такомиллаштиришнинг назарий ва амалий асослари” номли грант доирасида белгиланган вазифалари ижросини таъминлашда амалда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта-махсус таълим вазирлиги Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетининг 2021 йил 6 сентябрдаги 02-07-2193/04-сон маълумотномаси). Натижада грант доирасида яратилган монография ва илмий мақолаларнинг хулоса, тавсияларини шакллантиришда эмоционал сўзларнинг гендер табиати ҳамда унинг образ яратишдаги роли дидактик ресурслар мазмунига сингдирилган;

диссертациядаги эмоционал сўзларнинг тилшуносликда ва нутқдаги бир қанча аҳамияти, айтилмоқчи бўлган фикрнинг тингловчига ёзма нутқда аниқ ва тўғри етиб боришидаги ўрни билан боғлиқ илмий хулосалардан 2021 йил апрел ва май ойларида Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси “O‘zbekiston” телерадиоканали ДУК “Маданий-маърифий ва бадиий эшиттиришлар” муҳарририятининг “Адабий жараён”, “Таълим ва тараққиёт”, “Миллат ва маънавият” эшиттиришларида унумли фойдаланилган ва тадқиқотчи билан бевосита суҳбат олиб борилган (Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси “Ўзбекистон” телерадиоканали давлат унитар корхонасининг 2021 йил 15 июндаги 04-25-1005-сон маълумотномаси). Натижада радиодастурларнинг таъсирчанлиги, ранг-баранглиги ортган, мазмунан мукамаллашган, илмий далилларга бойлиги таъминланган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 3 та халқаро ва 5 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 20 та илмий иш, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертацияларининг асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5 та (3 та республика ҳамда 2 та хорижий журналларда) мақола нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат бўлиб, 143 саҳифани ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган; муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети, тадқиқот усуллари тавсифланган; тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий натижалари ва уларнинг ишончлилиги баён қилинган; тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган; тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши ва апробацияси, нашр қилинган ишлар, диссертациянинг тузилиши ва ҳажми бўйича маълумотлар келтирилган.

Тадқиқотнинг биринчи боби “**Ўзбек тилининг нейтрал ва эмоционал бирликлари**” деб номланган. Унинг дастлабки бўлимида “**Лексемада шакл ва мазмун асимметрияси**” масаласи ёритилган. Унда тилшунослик фанининг илдизлари, лексеманинг шакл ва мазмун томони борасидаги дунё, жумладан, ўзбек тилшуносларининг фикрлари таққосланган. Лексемада шакл ва мазмуннинг бирлиги ҳамда зидлиги тўғрисида фикрлар баён этилган. Чунончи, айрим шаклларнинг бир неча маъноларни ифода этиши ва аксинча, бир неча шаклларнинг битта мазмун ифодалаши назарий ва амалий ёритилган.

Қадимги Юнон, Рим тилшунослигида сўзда шакл ва маъно диалектик яхлитлигининг мос келмаслигига алоҳида эътибор беришган. Ш (шакл) = М (маъно); Ш<М; Ш>М; Ш↔М; Ш↔Ш; М↔М – жараёни қадим даврлардан бошлаб тилшунослар диққат марказида бўлган ва ҳар бир давр ушбу тил ҳодисасига ўз муносабатини билдирган.

Айни шу диалектик яхлитликнинг мос келмаслиги лексемада шакл ва маъно асимметриясини юзага келтирган. Ш=М қолипида шакл ва маъно тенг бўлади. Ҳозирги кунда бу ҳолатни нейтрал лексемалар ва терминларда кўриш мумкин. Жумладан, асимметрия – симметрия. Ш<М қолипига эса омонимлар, эмоционал лексемалар тушади. Масалан, *юз* – одамнинг юзи, юз сони. М<Ш қолипидаги синонимлар эмоционал-экспрессивликни юзага чиқариб, шакл ва маъно асимметрияси жараёнини келтириб чиқаради. Масалан, *гапирди, дўнгиллади, мингирлади, сайради*. Ш↔М қолипида шакл ва маъно бир-бирига қарама-қарши бўлади. Масалан, *қайнатма шўрва, димлама, қовурма* каби шаклларда инкор аффикси *-ма* бўлса ҳам, инкор

маъноси йўқ. *Кўр одам* бирикмасидаги *кўр* сўзида инкор шакли бўлмаса ҳам, инкор маъноси мавжуд. Бу қолипда энантиосемия ҳодисаси юзага чиқади.

Ш↔Ш қолипида мазмун бир хил, шакл ҳар хил. Масалан, *каптар* – *кабутар*, *студент* – *талаба*, *ўқитувчи* – *муаллим*. Бу қолипга вариантли ва дублет сўзлар тушади. М↔М қолипида шакл эмас, маъно қарама-қарши бўлади. Бу қолипга антонимлар тўғри келади. Масалан, *оқ* – *қора*, *баланд* – *паст*, *келди* – *кетди*. Ушбу ҳодисаларнинг барчасида шакл ва маъно асимметрияси юзага келган.

Лексема – тилнинг асосий бирлиги. У бизни қуршаб турган олам унсурларини номлаш учун хизмат қилади. Лексема фақат номлаш функцияси билангина чекланиб қолмай, олам ҳақидаги билимларимизни келажак авлодларга етказиш (кумулятив вазифа), англаш (перцептив), тингловчиға таъсир этиш (экспрессивлик) вазифасини ҳам бажаради.

Сўз ва лексема терминлари кўп ҳолларда аралаш ҳолда қўлланган. Лекин улар бир-биридан фарқ қилади. Лексема семема ва номемаларнинг ўзаро муносабатидан ташкил топган бутунлик саналиб, уларнинг мазмуний мундарижаси аташ, ифода ва вазифавий семемалар муносабатидан иборат бўлади. Ҳар қандай лексемада бу семалардан “аташ” семаси, албатта, иштирок этади. Шунинг учун бу сема лексеманинг марказий семаси, қолган семалар эса чегара семалар ҳисобланади.

Лексемаларнинг ва сўз яшаш қолипларининг нутқда воқелашган, аниқ шакл, мазмун ва вазифага эга кўринишига сўз дейилади<sup>9</sup>. Сўз термини лексемалардан бошқа birlikларни ҳам, яъни аташ семасига эга бўлмаган birlikларни ҳам ўз ичига олади. Масалан, *аммо*, *учун* сўз, лекин лексема эмас. Чунки уларнинг аташ семаси мавжуд эмас. Фақат грамматик маънога эга. Демак, сўз лексик маънога эга бўлган лексемаларни ва ёрдамчи, ундов, модал сўзлар номлари билан юритилувчи грамматик маънога эга birlikларни ҳам ўз ичига олади. Обьектив борликдаги мавжуд, номавжуд нарса, воқеа, ҳодиса, моҳият ифода асосига қурилган товуш ёки товушлар мажмуи сўз дейилади, у нутқда реаллашади

Сўзнинг умумий маъноси денотатив, коннотатив ва прагматик маънога бўлинади. Денотатив маъно – объектив борлиқнинг инсон онгидаги бевосита инъикоси. Коннотатив маъно (айрим адабиётларда эмотив, эмоционал-экспрессив маъно<sup>10</sup>) эса “устама” маъно бўлиб, эмоционал-экспрессив бўёққа эга бўлади, эмоционал-экспрессив бўёқ ижобий ёки салбий бўлиши мумкин. Прагматик маъно ижтимоий, амалий маъно ҳисобланиб, асрлар давомида қўлланиб келинаётган денотат ёки коннотат тўлдира олмаётган бўш ўринларни, ўзи қоникмаётган жиҳатларни ифодалаш учун миллат томонидан ўйлаб топилган амалий маъно бўлиб, шу миллатнинг ижтимоий-сиёсий, маънавий-маданий, географик-ареал, диний-этнографик, тарихий-адабий ва бошқа жиҳатларини ўзида мужассамлаштиради.

<sup>9</sup> Нейматов Х., Расулов Р. Ўзбек тили систем лексикологияси асослари. Тошкент: Ўқитувчи, 1995. – Б. 47.

<sup>10</sup> Ҳакимова М. Семасиология. – Тошкент, 2008. – Б. 28.

Бобнинг иккинчи бўлимини **“Тилшуносликда эмоционал-экспрессивлик муаммоси талқини”** деб номланди ва унда “эмоционал” ва “экспрессив” терминларининг маъноси тўғрисида фикр юритилди.

“Эмоция” французча сўз бўлиб, *ҳис-ҳаяжонга солмоқ, тўлқинлантирмоқ* маъноларини ангалатади. Ташқи ва ички кўзғатувчилар таъсири натижасида одам ва ҳайвонларда пайдо бўладиган рухий кечинма, ҳис-туйғу, ҳис-ҳаяжон, кўзғалиш деб таъриф берилган. Шу ўзакдан келиб чиққан “эмоционал” термини эса *ҳис-туйғу ифодаловчи* маъносини англатса, “эмоционаллик” сўзи *эмоционал белги, хусусият, шундай белги хусусиятга эгалик* маъноларини ифодалайди.

“Экспрессив” лотинча сўз бўлиб, асл маъносига кўра “кучайтирилган” демакдир. Бу термин тилшуносликка кўчма маъноси билан кирган бўлиб, “кучли ҳиссий образлилик хусусияти” деган маънони ифодалайди<sup>11</sup>. Ҳис-ҳаяжон психология фанида текширилса-да, тилдаги воситалар орқали ҳис-ҳаяжон ифодалангани сабаб тилшунослар томонидан ўрганилади. Экспрессивлик ва эмоционаллик тушунчалари бир-бирига боғлиқ бўлгани ҳолда умумий тушунчалар бўлса-да, текширувчилар луғат таркибида эмоционал сўзлар мавжуд, лекин экспрессивлик фақатгина воситалар орқали ифодаланиши тўғрисида фикр билдирадилар<sup>12</sup>. Лекин улар бир-биридан ажратиладиган ҳодисалар эмас. “Нутқни янада ёрқинроқ, таъсирчанроқ, таассуротлироқ қиладиган нарсаларнинг ҳаммаси экспрессиядир. Демак, нутқнинг экспрессивлиги – нутқни ёрқин, таъсирчан, тасвирий, таассуротли қилувчи воситалардир”<sup>13</sup>.

Экспрессивлик (лотин. *expressio*) – ифодавийлик, ҳис-туйғуни, хавотирни билдирувчи куч. Ўзбек тилида номинатив маънога экспрессия элементи қўшилган сўзлар кўп. Масалан, *яхши сўзининг ўрнига завқ билан, гап йўқ, зўр, қойил, ажойиб, ақл бовар қилмас, гайриоддий, гайритабший, ҳайратланарли* кабиларни ишлатиш мумкин. Ёки *ёқмайди* сўзи ўрнида кучли колоритли *ёмон кўраман, нафратланаман, жирканаман* кабиларни ишлатиш мумкин. Бу ҳодисаларда сўзнинг семантик структураси коннотативлик билан мураккаблашади.

Сўзнинг эмоционал-экспрессивлик даражаси сўзловчининг лаёқатига боғлиқ бўлади. Эмоционал-экспрессивлик, асосан, синонимлар, кўп маъноли сўзлар (полисемия), вариантлар, дублетлар иштирокида фонетик (товушларнинг чўзилиши, қисқариши, жуфтлашиши, алмашинуви), лексик (сўз танлаш), морфемик (кўшимча вариантларини алмаштириш), синтактик (гап бўлақларининг ўрнини алмаштириш) усулларда амалга оширилади.

Бобнинг **“Нейтрал лексика ва унинг ўзига хос хусусиятлари”** деб номланган кейинги бўлимида нейтрал лексика талқини ва унинг ўзига хос хусусиятлари ёритилган.

<sup>11</sup> Маджидова Р.У., Муҳиддинова Х.С., Султонова Ш.М. Тилшуносликка кириш. – Тошкент, 2015. – Б. 6.

<sup>12</sup> Абдуллаев А. Ўзбек тилида экспрессивликнинг ифодаланиши. – Тошкент: Фан, 1983. – Б. 6.

<sup>13</sup> Галкина-Федорук Е.М., Горшкова К.В., Шанский Н.М. Современный русский язык. – М., 1962. – Т. I. – С. 99.

Нейтрал лексика ифодавий ўлчовда, “экспрессивлик шкаласи”да бошланғич нуқта ҳисобланиб, ундан умумуслубий (нейтрал), китобий (экспрессив жиҳатдан кўтарилган тантанавор сўзлар) ва сўзлашув (экспрессив жиҳатдан пасайган сўзлар) қаторлари белгиланади.

Нейтрал лексика китобий ва сўзлашув услубида турли экспрессив-эмоционал хусусиятларининг очилиши учун фон бўлиб хизмат қилади. Услубий синонимлар қаторида нейтрал лексика марказий мазмуний, семантик доминанта бўлиб, унинг атрофида “экспрессив шкала” парадигмаси аъзолари ва адабий лексиканинг функционал-стилистик дифференциялари жойлашади. Масалан, *учмоқ* (китобий), *юрмоқ* (нейтрал), *судралмоқ* (сўзлашув).

Нейтрал лексика услублараро лексикага оид бўлиб, ҳеч қандай ҳис-ҳаяжонга эга бўлмаган, бўёқдорликдан холи бўлган сўзлардир. Сўзловчи маълум бир фикрни баён қилишда, коммуникация жараёнида бир синонимик қаторга мансуб сўзлардан бирини танлаб ишлатади. Масалан, *емоқ* нейтрал сўзи расмий вазиятда *тамадди қилмоқ*, оддий сўзлашувда *туширмоқ*, *чангини чиқармоқ*, *урмоқ* каби сўзлар билан алмаштириб қўлланади. Сўзлашув услубида кўпроқ эмоционал сўзлардан фойдаланилади.

Нейтрал сўзларни морфологик жиҳатдан қуйидагича гуруҳлаш мумкин:

1) от туркумига оид нейтрал сўзлар: *яхшилик, дафтар, ёшлик, сув, фарзанд, уй, ҳаракат, киши, дарахт, қўл, овқат, кумуш, кўча, машина, осмон, дўст, пиёла, барг, девор, қоғоз, зирак, кўйлак, сумка, гилам, эшик, телефон, халқ, бино, сурат, чироқ, туфли, қулоқ, кўзойнак* ва шу каби нарса-буюмлар, мавҳум тушунчалар, шахсларни англатувчи сўзлар;

2) сифат сўз туркумига оид нейтрал сўзлар: *ёруғ, арзон, қиммат, қадимий, мазали, эски, хунук, оқ, паст, қисқа, узун* ва шу каби белги англатувчи сўзлар;

3) феъл туркумига мансуб нейтрал сўзлар: *кўрмоқ, туширмоқ, сўзламоқ, тўкилмоқ, беэмоқ, кўрсатмоқ, қазимоқ, аниқламоқ, ушламоқ, англамоқ, тақиллатмоқ, боғламоқ, қўлламоқ, чиқармоқ, эжмоқ, йиғламоқ, буюрмоқ* каби;

4) сон сўз туркумига кирувчи сўзлар: *тўрт, саккиз, ўн икки, йигирма, эллик, юз, миллион* ва шу каби барча сонлар. Сонларнинг барчаси нейтрал сўзлар ҳисобланиб, уларда баҳо семаси мавжуд эмас;

5) олмош туркумига оид сўзлар: *қайси, бари, ҳамма, ҳеч нима, ўзи, қайсидир, у, шу, бу, ўша, манави, қанақа, ҳеч қайси* каби олмошларнинг ҳам барча турлари нейтрал ҳисобланади. Уларда ижобийлик ёки салбийлик оттенкаси мавжуд бўлмайди;

6) равиш сўз туркумига оид нейтрал лексика: *секин, бугун, эртага, кеча, атайлаб, тўсатдан, атайин* каби сўзлар;

7) кўмакчилар: *орқали, учун, билан, каби, сингари, сари*;

8) юкламалар: *гўё, худди*;

9) боғловчилар: *ё, ёки, шу сабабли, ҳамда, баъзан ... баъзан, негаки, яъни, чунки, мабодо, агарда* каби.

Мустақил ва ёрдамчи сўзларнинг кўпчилик қисми баҳо семасига эга бўлмаган нейтрал лексикани ташкил этади. Ундов сўзлар эса нейтрал лексикадан фарқли ўлароқ, соф эмоционал, яъни ҳис-ҳаяжон ифодаловчи сўзлар қатламини ташкил қилади. Ундов сўзларнинг барчаси эмоция ифодалайди. Уларнинг ҳар бирида бирор бир ҳис-ҳаяжон мазмунини ифодаловчи маъно мавжуд бўлади, шунинг учун ҳам уларни бемалол соф эмоция англатувчи сўзларга киритиш мумкин.

Демак, нейтрал лексикага мансуб сўзлар нутқнинг барча услубларида бемалол қўллана олувчи, шу тилда сўзлашувчи барча кишиларга тушунарли бўлган сўзлардир.

**“Эмоционал сўзларда баҳо семасининг ифодаланиши”** деб номланган бўлимда сўзларга баҳо семасининг кўшилиш усуллари ёритилган.

Баҳо фалсафий-мантиқий категория саналади, лекин ҳар қандай мантиқий муносабат тил бирликлари орқали ифодаланади. Шу қаторда баҳо муносабатлари, уларнинг объектив борлиқда мавжудлиги, тушунча сифатида инсон онгида пайдо бўлиши, унинг турлари, мезонлари каби масалалар аксиологик муаммо бўлиб, фалсафа ва мантиқ фанларининг ўрганиш объекти саналса, баҳонинг тилда намоён бўлиши, уни ифодаловчи фонетик, лексик, морфологик, синтактик, паралингвистик воситалар, баҳо семантикаси каби масалалар тилшунослар томонидан ўрганилади<sup>14</sup>. Агар воқеликда инкор ва тасдиқ, ижобий ва салбий муносабатлар мавжуд бўлса, тилда инкор ва тасдиқ гаплар, бўлишли ва бўлишсиз, ижобий ва салбий бўёқдорлик, антоним, оксюморон муносабатлар мавжуддир.

Маълумки, баҳо икки хил бўлади: 1. Субъектив баҳо. 2. Объектив баҳо.

Субъектив баҳо субъектга, шахсга боғланади. Баҳоланаётган нарса баҳоловчи назаридан кўрилади, яъни бу ўринда субъект (баҳоловчи)нинг дунёқараши, объект (баҳоланувчи)га шахсий муносабати, баҳолашдан кутилган нияти баҳолаш жараёнини бошқаради. Объективлик нарсани ўзи қандай бўлса шундайлигича, субъектнинг унга қарашларидан ҳоли акс эттиришдир.

Кўп сўзлар фақат тушунчани эмас, сўзловчининг у ҳақидаги муносабатини, баҳолашнинг алоҳида турини ифодалайди. Масалан, қизил рангдаги гулнинг чиройига маҳлиё бўлиб, уни *гулоби*, *пушти*, *қизғиш*, *қизил*, *ол*, *қирмизи гул* деб аташ мумкин. Бу лексемалар “Ўзбек тили изоҳли луғати”да қуйидагича изоҳланади:

1. Гулоби – гулоб рангли, пушти (ЎТИЛ, I, 521).
2. Пушти – шафтоли гули рангидаги, оч қизил (ЎТИЛ, III, 326).
3. Қизғиш – қизилга мойил, қизилга яқин рангидаги; қизғимтир (ЎТИЛ, V, 282).
4. Қизил – қон рангидаги; қирмизи (ЎТИЛ, V, 277).
5. Ол – қизил, қирмизи (ЎТИЛ, III, 104).
6. Қирмизи – қизил рангли; қизил, ол (ЎТИЛ, V, 298).

---

<sup>14</sup> Қамбаров Ф. Баҳо муносабати ва унинг ўзбек тилида ифодаланиши: Филол.фан.номз. ... дисс. автореф. – Тошкент, 2010. – Б. 9.

Бу сўзларда нейтрал қизил сўзига нисбатан эмоционал бўёқдорлик мавжуд. Ёки оқ рангни *оппоқ, қордай оқ, тонгдай мусаффо, соф* деб аташ мумкин. Бу сўзлар эмоционал жиҳатдан бўёқдор бўлиб, ижобий баҳо уларни нейтрал оқ сўзидан фарқлайди. Сўзнинг эмоционал бўёғи салбий баҳо ҳам ифодалаш мумкин. Масалан, ўзбек тилида оқ ранг *ранги йўқ* тушунчасини ҳам ифодалайди: *рангпар, ранги оқариб кетди, ранги йўқ, ранги ўчган*.

Шуни таъкидлаш керакки, эмоционаллик ва баҳо тушунчалари бир-бири билан жипс боғланган бўлса ҳам, бироқ айнан бир хил тушунчани ифодаламайди. Баъзи эмоционал сўзлар (масалан, ундовлар) баҳо тушунчасига эга эмас, шу билан бирга шундай сўзлар борки, уларнинг мазмуний структурасининг асосини баҳо тушунчаси эгаллайди, аммо эмоционал лексикага кирмайди: *яхши, ёмон, қувонч, газаб, муҳаббат*.

Эмоционал-баҳо лексикасининг асосий хусусиятларнинг бири шуки, эмоционал бўёқ лексик маъно устида қопланади, денотатив маъно коннотатив маъно билан мураккаблашади.

Эмоционал ва нейтрал сўзларнинг қиёсий хусусиятлари иловадаги жадвалда акс эттирилган (Қаранг. 1-жадвал).

Эмоционалликка эга бўлган лексемалар қувониш, севиниш, эркалаш, афсусланиш, эътироз, нафратланиш, жирканиш ва шу каби муносабатларни англатишига кўра икки турга бўлинади:

1. Ижобий баҳо семасига эга бўлган эмоционал лексика.
2. Салбий баҳо семасига эга бўлган эмоционал лексика.

Ижобий баҳо семасига эга бўлган услубий бўёқдор сўзлар нарса-предметлар, шахслар, белги, ҳолат, ҳаракат ва ҳодисаларга бўлган турлича ижобий муносабатларни англатиб келади.

Мисол учун, *Бироқ ҳозир шамол унинг кўркини кўз-кўз қилипти*. (Э.Усмон). Мисолдаги *кўрк* сўзи *чирой* сўзи ўрнида қўлланиб, гапга ижобий баҳо қўшган.

Салбий баҳо семасига эга бўлган эмоционал-экспрессив сўзлар ҳам нарса-предметлар, шахслар, белги, ҳолат, ҳаракат ва ҳодисаларга бўлган афсусланиш, ранжиш, жирканиш, менсимаслик каби бир нечта салбий муносабатларни англатиб келади. Масалан, *Кимсан акам иягидаги хуснбузарни тирноғи билан ситиб, ўшшайиб ўтираверди*. (Ў.Ҳошимов) Бу ўринда ўшшайиб сўзи *бефарқ қарамоқ, қовоғини солмоқ, хўмраймоқ* каби салбий маъноларни англатади. Гапда ушбу сўз қўлланмаса, салбийлик йўқолади. Сўз гапда баҳо семасини ифодалаш учун хизмат қилган.

Тадқиқотнинг иккинчи боби “**Ўзбек тилидаги сўзларнинг эмоционалликка кўра таснифи**” деб номланган. Унинг дастлабки бўлими “**Нейтрал ва эмоционал лексемалар парадигмаси**” масаласига бағишланган.

Тадқиқотнинг текшириш объекти эмоционал сўзлар бўлгани боис, ишни ёритишда фақатгина инсонларга хос бўлган белги-хусусият, иш-ҳаракатлар билан боғлиқ ҳис-ҳаяжонларни ифодаловчи соф эмоционал сўзлар ўрганилди ҳамда бу жиҳатдан одам концептига мурожаат қилинди.

“Одам” концептининг<sup>15</sup> ўрганиш соҳалари кўп бўлишига қарамасдан, тадқиқотимизда инсон нутқи ва онгидаги мавжуд нарса ҳамда ҳодисалар билан параллел тингловчига одам концептининг ички ҳис-туйғуларни ҳам етказиб берилиши жараёнида қатнашувчи эмоционал лексика тадқиқ этилди. “Одам” концепти ўзбек тили лексик қатламининг ўзига хос кенг қамровли маъновий қисмини ташкил этади. Лексемаларни эмоционал-экспрессив ҳолатига кўра дастлаб икки мавзувий-когнитив блокларга ажратиш мумкин: аксиологик нейрал лексика; аксиологик маркерланган лексика. Сўзлар контекстда келганда уларнинг янада кўп функция бажаришини сезиш қийин эмас. Айрим ўринларда аксиоматик нейтрал бўлган лексемалар ҳам нутқда экспрессив бўёққа эга бўлиб қолиб, салбий ёки ижобий маъноларни билдиради ва улар эмоционал сўзга айланиши мумкин. Бундай ҳолатда нейтрал сўз ижобий ёки салбий маънога ўтиб қолган сўзларга нисбатан зидланади. Сўзнинг дастлабки илк маъноси унга боғлиқ бўлган кейинги маънолар билан оппозицияга киришади. Нейтрал сўз илк сўз бўлиб кўчма маънога айланган сўзларга зидланади ва шундан сўнг, ижобий ёки салбий маънони ифодалашга хизмат қилади. Мисол тариқасида *тулки* сўзини олайлик. Ушбу сўз ёввойи ҳайвон номи бўлиб, бу ҳайвоннинг яшаш тарзи биология фанида ўрганилади. Айрим ўринларда контекст ичида ҳайвонга берилган сифат бу, яъни номнинг инсонга нисбатан қўлланилишига олиб келади ва *айёр одам* бирикмаси ўрнида салбий бўёқни кучайтириш мақсадида *тулки одам* бирикмаси ишлатилади. Бундай бирикмага айлантирилганда тулкидаги барча салбий сифатлар инсонга нисбатан қиёсланади ва ўша таърифланаётган инсонга нисбатан тингловчи онгида салбий тасаввурлар пайдо бўлишини таъминлайди. Бунда от туркумидаги сўз сифат туркумига кўчиб, салбий бўёқли эмоционал сўзни ҳосил қилади.

Шу ўринда “Ўзбек тили синонимларининг изоҳли луғати”<sup>16</sup>га назар ташлар эканмиз, *айёр* синонимик қаторида *тулки* сўзи билан бирга *шайтон* сўзи ҳам келганини кўришимиз мумкин. Бу икки сўз алоҳида олинганда (контекстдан ташқарида), бир-бирига алоқаси бўлмаган икки сўз ҳисобланади. Лекин уларни контекст доирасида кузатганимизда *айёр* лексемаси орқали бир-бирига боғланади ва алдаб, чалғитиб, ҳар қандай ишни ўз фойдасига ҳал қиладиган, макр-ҳийлага уста<sup>17</sup> деган луғавий маънога эга бўлиб қолади. *Муғомбир, ҳийлагар, қув, устомон, маккор, доғули* ва шу каби бир қанча сўзлар билан синонимик қаторни ташкил қилади. Ушбу қаторга мансуб сўзлардан *шайтон, тулки, туллак, қирриқ, хирпа* сўзлари “*иш кўрган айёр*” маъносида қўлланади. Бу сўзларнинг маъно доирасини куйидаги мисоллар орқали янада ойдинлаштириш мумкин эканлигини кўрамиз: *Яна у Мирзакаримбой хонадонига бошлиқ бўлиб кеккайсин, ... бойликнинг нишабини ўз томонига тўзриласин!... У жуда шайтон хотин* (Ойбек). *Чол соқолини тимискилаб: “Эҳтиёт бўлинг у (Кўқонбой) жуда тулки одам, каттароқ*

<sup>15</sup> Бу ҳақида қаранг: Ёигиталиев У. Ўзбек тилида “одам” ва “жинс” концептлари билан боғлиқ ассоциатив-вербал бирликлар: Филол. фан. фалсафа док. (PhD) диссер. автореф. – Тошкент, 2020. – 53 б.

<sup>16</sup> Ҳожиев А. Ўзбек тили синонимларининг изоҳли луғати. Тошкент: Ўқитувчи, 1974. – 308 б.

<sup>17</sup> Ҳожиев А. Ўша асар. – 18-б.




шикаст етказмасин”, – деди (Мирмуҳсин)<sup>18</sup>. Келтирилган гаплардан кўриниб турибдики, сўзлар бир сўз доирасида боғланиб, ўз луғавий маъносидан буткул бошқа маънога ўтиб синонимик уя ҳосил қилмоқда.

Нейтрал ва эмоционал лексемалар орасида парадигматик, градуал ва оппозитив муносабат турлари мавжуд.

Нейтрал сўзлар кўчма маънода ишлатилиб, салбий ёки ижобий бўёқни ифодалаганда парадигматик муносабат юзага чиқади: *Демак, нимадир бўлган, ҳайвон шундан ҳурккан, пишқириб кишнаб кўзлари ҳам олайиб кетган.* (А.Аъзам) Мисолдаги *олаймоқ* сўзи нейтрал сўз бўлиб, ҳайвонга нисбатан қўлланганда ҳеч қандай баҳо семасига эга эмас. Ушбу сўзни инсонга нисбатан қўллаганимизда эса унга салбий маъно оттенкаси кўшилиб қолади. ... *ўша вақти шунақа бўлган эди а, деб сўрасангиз, олайиб қараб қўядилар, гап ёқмайди-да.* (А.Аъзам)

Градуал муносабатда эмоционал лексемалар орасидаги баҳо семаси даражаланади, ё ижобийлик, ё салбийлик ошиб боради, Масалан, *жирканч, қабих, разил, манфур* синонимик каторидаги сўзлар ёмон ишлар қилувчи, бузғунчи ҳаракатлар бажарувчи кишиларга нисбатан қўлланади. Ушбу қатор тўғрисида луғатда қуйидаги изоҳ келтирилган: “Бу сўзлар жирканиш, нафрат кўзгатувчи маъноси билан бирлашади. *Қабих, разил, манфур* сўзларида белги даражаси кучли. *Манфур* – китобий. *Қабих, разил* сўзлари ҳам оддий сўзлашувда деярли қўлланмайди”<sup>19</sup>. Ушбу сўзларнинг деярли барчаси бадий услубда учровчи сўзлар, улар салбий маъно ифодалайди. Бу лексемалар қуйидагича градуал тартибланади:



*Бу қонхўрнинг жирканч башарасини эл-юрт кўрсин, тупурсин бунинг бетига.* (Х.Ғулум) *Бу разил ҳеч бўлмаса мендан андиша қилса бўлмайдимми?* (Ў.Ҳошимов)

Оппозитив муносабатда ижобий бўёқдор сўз салбийга ёки салбий бўёқдор сўз ижобий бўёққа эга бўлади. Эмоционал сўз семалари орасида оппозитив муносабат кўринади. *Жинни* сўзи гарчи ақлдан озган маъносини билдирса-да, унга *-вой* эркалаш кўшимчасини кўшиш орқали баҳо семаси(ижобий)ни ҳосил қилиш мумкин. – *Жиннивой!* – деди эркалаб. (Ў.Ҳошимов)

*Онам мени тентагим дермиди, ё довдирим дермиди?* (С.Ахмад) мисолда келтирилган *тентагим, довдирим* сўзлари она нутқида ўз фарзандига нисбатан эркалаш ижобий маъно оттенкасини кўшган, бунда эгалик аффикси катта роль ўйнаган.

<sup>18</sup> Ҳожиев А. Ўша асар. – 19- б.

<sup>19</sup> Ҳожиев А. Ўша асар. – 65- б.

Эмоционал-экспрессив сўзларни сўз туркумлари доирасида ўзига хос хусусиятларига кўра қуйидагича гуруҳлаш мумкин:

1. От сўз туркумига оид эмоционал-экспрессив сўзлар.
2. Сифат туркумига оид бўлган эмоционал-экспрессив сўзлар.
3. Феъл сўз туркумига оид бўлган эмоционал-экспрессив сўзлар.

Ҳар бир туркум доирасидаги эмоционал-экспрессив сўзлар жадвалларда акс эттирилди (Қаранг. 2-, 3-, 4-жадваллар).

**“Соф эмоционал сўзлар”** деб номланувчи кейинги бўлимда эса соф эмоция англатувчи ундов сўзлар ҳақида фикр юритилган. Ундовлар луғавий маъно англатиш жиҳатидан лексемалар каторида турмаса-да, уларнинг ўзлари мустақил равишда лексик маъно ифода этмаса-да, ҳис-ҳаяжон билдиришига кўра гап мазмунига экспрессивлик юклайди.

Ундов сўзлар табиий равишда ҳис-ҳаяжон ифода этади. Улар учун зидланувчи бошқа восита бўлмайди. Лекин шундай сўзлар ҳам борки, улар нейтрал сўзларга зидланиб салбийлик ёки ижобийлик маъноларини билдиради. Бундай сўзларда дастлаб ҳеч қандай баҳо семаси мавжуд бўлмайди ва у нейтрал – ўрта ҳолатда бўлади. Бу сўзни сўзловчи жонли нутқ жараёнида ижобий ёки салбий ҳолатда қўллайди ва бу сўз эмоционалликка эга бўлган лексикага ўтиб қолади. Баҳо семасига эга бўлган эмоционал-экспрессив сўзларни соф эмоция англатувчи сўзлардан фарқлаш зарур. Эмоционал-экспрессив сўзларда луғавий маъно мавжуд бўлса, соф эмоционал сўзларда лексик маъно эмас, грамматик маъно устувордир. Соф эмоционал лексемаларда эса баҳо семаси мавжуд бўлса-да, бу семалар умумий маънолар атрофида бирлашади. Ўзлари алоҳида ҳолатда мустақил маъно англатмайди, гап бўлаги бўла олмайди, фақатгина фикрга сўзловчининг муносабатини акс эттиради. Улар нейтрал сўз бўлмагани боис бир-бирларига зидланмайди, табиий равишда ҳис-ҳаяжон ифода этади, бундай сўзлар учун зидланувчи бошқа восита бўлмайди.

Соф эмоционал сўзларни англатаётган маъноларини умумлаштирган ҳолди ижобий эмоционал маъно ифодаловчи соф эмоционал сўзлар ва салбий оттенка билдирувчи соф эмоционал сўзлар каби гуруҳларга ажратиб тадқиқ этилди.

Ундовлар хурсандчилик, севинч, шодлик, қувонч, ҳавас, лаззатланиш, роҳат, эркалаш, улуғлаш, таҳсин, таъкид, тасдиқ, чексизлик, кўплик, тилак, орзу-истак, таклиф каби маъноларни билдирувчи ҳамда ёдга олинган воқеа-ҳодисани ифодаловчи соф эмоционал сўзлар гуруҳига бўлиб таҳлил қилинди.

Ундовлар ажабланиш, таажжуб, ҳайрат, ҳайрон қолиш, норозилик, рад этиш, эътироз, афсусланиш, ачиниш, мазах, масхара қилиш, пичинг, кесатик, азоб, кўрқув, жирканиш, нафрат, жаҳл, ғазаб, инкор, менсимаслик, чақирик, мурожаат, даъват, бифарқлик, койиш, тавба қилиш, қизғониш, тамомлаш, тўхтатиш каби салбий маъноларни англатувчи соф эмоционал сўзлар гуруҳига бўлиб тадқиқ этилди.

Соф эмоционал сўзлар кишиларнинг ижобий ва салбий ҳис-ҳаяжони, туйғулари ва руҳий ҳолатларини ифода этади. Биргина ундов сўз ҳам ижобий ундовлар гуруҳида, ҳам салбий ундовлар гуруҳида бир қанча маънолар

билдиради. Бу эса соф эмоционал сўзларнинг кўп маънолилиқ хусусиятига эга эканлигидан далолат беради. Масалан, “вой” ундови: – *Вой, оғзингга шакар!* – деди суюнчи оладиган алпозда қувониб. (Ў.Ҳошимов) гапида янгиликдан шодланиш, қувониш; – *Вой, болажон,* – *Робия опам тикиб ўтирган каштани ёнига қўйиб бошимни силади.* (Ў.Ҳошимов) мисолида шахсни – болани эркалаш маъноларида ижобийлик хусусиятига эга бўлиб келган. – *Вой, бу мени айтяпти шекилли,* – *Домла бутунлай эсанкираб қолди.* (Ў.Ҳошимов) гапида фикрдан ҳайратланиш; – *Вой-вой-вой!* – *Фотима келин хуркиб орқага ташланди.* – *Мен тракторнинг ёнига бора оларканманми?* (Ў.Ҳошимов) гапида эса иш-ҳаракат бажарилишига норозилиқ, эътироз, рад этиш; – *Вой, менгина ўлай, бу ташвиш ҳам бор эканми?* (Ў.Ҳошимов) мисолида бўлган воқеадан, иш-ҳаракатдан афсусланиш; *Мушук юмдалади!* *Вой қўлим!* (Ў.Ҳошимов) гапида азоб маъносини; – *Вой болам-ай, пахта уриб кетган болам-ай!..* (Т.Мурод) – фарзанд доғидан азобланиш; “*Во-ой!* – у қизнинг талмовсираши қўрқувга айланди. – *Вой, Сано-ей!*” (А.Аъзам) – иш-ҳаракатдан ҳафа бўлиш, кўрқиш; *Вой илон-эй! Тагин сенинг фотиҳа тўйингда хизмат қилиб юрибман-а,...* (Ў.Ҳошимов) мисолида эса шахсга нафрат, жирканиш каби маънолардаги салбий муносабатларни ифодалаб келган.

Соф эмоционал сўзлар гендер нуқтаи назаридан ҳам фарқланади. Эркалар кўпроқ мағрурланиш, фахрланиш, қувонч, хурсандлик, қойил қолиш, улуғлаш, роҳатланиш маъносига эга бўлган соф эмоционал сўзлардан, аёллар ўта шодланиш, суюниш, ажабланиш, ваҳима, норозилиқ, зорланиш, шикоят каби маъноларни билдирувчи ундов сўзлардан фойдаланар эканлар.

Диссертациянинг “**Эмоционал сўзларнинг бадий-эстетик вазифаси**” номли 3-бобида эмоционал сўзларнинг бадий нутқда қўлланиши ва вазифалари таҳлили берилди.

Бобнинг дастлабки “**Эмоционал-экспрессив бўёқдорликни ҳосил қилувчи воситалар**” номли бўлимида эмоционал-экспрессивликни лексик, аффиксация, метафорик ҳамда контекстуал усулларда ифодаланиши ёритилди.

